

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ
ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ
ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ

“БОШОҚЛИ ВА ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ
ВА УРУҒЧИЛИГИ, ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖОВЧИ
ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”

Республика илмий-амалий конференция
тўплами

Қарши-2020 йил

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакат илм-фани нуфузини янада ошириш ва халқаро илмий-техник ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга қаратилган халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманлар, симпозиумлар, семинарлар ва бошқа илмий ҳамда илмий-техник тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-Ф-сон фармойиши билан тасдиқланган режа асосида Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалида 2020 йилда ўтказилган “Бошоқли ва дуккакли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги, ер ва сув ресурсларини тежовчи етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция тўпламида Республикада жумладан, жанубий минтақаларда донли ва дуккакли экинлар селекцияси ва уруғчилик тизимини ривожлантириш, инновацион агротехнологияларини такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича халқаро тажрибалар алмашиш, шунингдек, соҳага алоқадор мутахассислар, талабалар ва фермер хўжаликлари раҳбарларини амалга оширилаётган илмий-тадқиқотлар билан таништириш ҳамда соҳани ривожлантириш учун илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда таҳлилий мулоҳазалар билдирилган.

Ушбу тўпلامнинг чоп этилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг илм-фан соҳасидаги фармонлари, қарорлари ижросини амалга оширишга бағишланган.

Тақдим этилаётган тўпلام қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари ҳамда кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар:

О.С.Боймиров - Қашқадарё вилояти ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалик масалалари бўйича ўринбосари

И.М.Рахматов - к/х.ф.д, профессор, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази Қашқадарё бўлими раҳбари

Таҳрир ҳайъати ва аъзолари:

к/х.ф.д (DSc), к.и.х.	О.А.Аманов
к/х.ф.ф.д. (PhD), к.и.х	Д.Т.Жўраев
к/х.ф.ф.д. (PhD), к.и.х	А.Х.Мейлиев
к/х.ф.ф.д. (PhD), к.и.х	А.М.Абдуазимов
к/х.ф.ф.д. (PhD), к.и.х	Ш.Д.Дилмуродов
к/х.ф.ф.д. (PhD)	Ғ.О.Узақов

Мазкур тўпلام Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали Илмий кенгашининг 2020 йил 28 апрелдаги № 01/7-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинди.

Тўпلامга киритилган маълумотлар тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.

© Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти
Қашқадарё филиали, 2020 й.

Кузги буғдойнинг Краснадарская-99 навини минерал ўғитлар билан озиклантириш режими мақбуллаштирилганда 10 ўсимликда органик моддалар тупланиши ўртача 10 г гача ошиши аниқланди.

Кузги юмшоқ буғдойнинг пишиш фазасида 10 ўсимлигидаги дон массаси тажрибанинг минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыда ўртача 20 г гача дон шаклланди. Минерал ўғитлар камайтирилиб қўлланилганда дон массаси минерал ўғит қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан 4 г гача, минерал ўғитлар тавсия этилган меъёрларда ва нисбатларда қўлланилганда 6 г гача, оширилиб қўлланилганда эса 9 г гача ошишини кўрсатди. Минерал ўғитлар қўллаш меъёрлари ва нисбатлари бўзилса дон массаси бўйича олинадиган қўшимча массанинг пасайишини кўрсатди.

Минерал ўғитлар қўлланилмасдан кузги буғдой етиштирилганда дон чиқими 35,5 % ташкил этгани ҳолда минерал ўғитлар $N_{150}P_{70}K_{50}$ меъёр ва нисбатда қўлланилгандаги дон чиқими 40,0 % ташкил этишлигини кўрсатди. Ушбу кўрсаткич минерал ўғитлар қўлланилмасдан етиштирилган назорат вариантыдагига нисбатан 4,5 % юқори бўлишлиги аниқланди.

Минерал ўғитлар тавсия этилган меъёрда ва нисбатда қўлланилганда назорат вариантыдагига нисбатан 5,7 % гача, оширилиб қўлланилганда эса 7,5 % гача дон чиқими ошишлиги аниқланди.

Кузги буғдой етиштиришда минерал ўғитлар қўллаш меъёрлари ва нисбатлари бўзилганда дон чиқими кескин пасайиши оқибатида дон ҳосилдорлигининг кескин пасайиб кетади.

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз-ўтлоқи тупроқлари минтақаси шароитида минерал ўғитлар қўллашнинг оптималлаштирилиши дон чиқимининг ошиши натижасида ҳосилдорлиги ҳам ошади.

Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари оч тусли бўз-ўтлоқи тупроқлари минтақаси шароитида минерал ўғитлар меъёрларини ва нисбатларининг оптималлаштирилиш жуда муҳим тадбир ҳисобланади.

Минтақа шароитида кузги юмшоқ буғдой етиштиришда минерал ўғитлар қўллаш меъёрлари ва нисбатларининг бўзилиши дон чиқимининг пасайиши ҳисобига дон ҳосилдорлиги, ҳамда сифатининг кескин пасайиб кетишлигига сабаб бўлишлиги ушбу агротадбирнинг талаблар даражасида сифатли ўтказилиши лозим.

УЎТ: 633.11+631.82

КУЗГИ БУҒДОЙНИ МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ

Р.Ч.Ишмухамедова,

М.Икромова

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Аннотация: Ўзбекистоннинг галла етиштиришига ноқулай бўлган жанубий минтақалари шароитида кузги юмшоқ буғдой навлари мақбул муддатда экилиб минерал ўғитларнинг тавсия этилган ($N_{180}P_{90}K_{60}$) меъёрлари ва нисбатлари оширилиб ($N_{210}P_{110}K_{70}$) қўлланилганда бошоқларидаги донларининг тўлиқ ва бўлиқ бўлиши натижасида дон ҳосилдорлиги 70,4 ц/га гача ошиши кузатилди.

Таянч сўзлар: Кузги буғдой, минерал ўғит, ҳосилдорлик, дон сифати.

Аннотация: В южных регионах Узбекистана, неблагоприятных для выращивания зерна, при своевременном посеве озимой мягкой пшеницы и внесении удобрений с рекомендованными нормами и соотношениями минеральных удобрений ($N_{180}P_{90}K_{60}$) и повышенными показателями ($N_{210}P_{110}K_{70}$) урожайность зерна увеличилась до 70,4 ц/га.

Ключевые слова: озимая пшеница, минеральные удобрения, урожайность зерна, качество зерна.

Abstract: In the southern regions of Uzbekistan, which are unfavorable for growing grain, with timely sowing of winter soft wheat and fertilizing with recommended rates and ratios of mineral fertilizers ($N_{180}P_{90}K_{60}$) and increased rates ($N_{210}P_{110}K_{70}$), grain yield increased to 70.4 c/ha.

Key words: winter wheat, mineral fertilizers, grain yield, grain quality.

Кузги буғдойдан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда қўлланилган минерал ўғитлар меъёрлари ва нисбатлари катта рол ўйнайди [1]. Бироқ, буғдой нон ва нон маҳсулотлари учун етиштирилиши сабабли дони таркибидаги оқсил миқдори ҳам талаблар даражасида бўлиши керак. Буғдой дони таркибидаги оқсил эса азотли озикалар ҳисобига шаклланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг етакчи олимлари томонидан кузги буғдойдан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришнинг замонавий усуллари бўйича тавсиянома [2] ишлаб чиқилган. Ушбу тавсияномалар бўйича буғдой етиштиришда азотли ўғитлар фосфорли ўғитларга нисбатан икки ҳисса, калийли ўғитларга нисбатан уч ҳисса кўп қўлланилиши керак. Тавсиянома кузги буғдойдан мўл ҳосил етиштириш билан бирга дон сифатини яхшиланишини ҳам назарда тутди.

Мамлакатимизда дончиликни янада ривожлантиришнинг иккинчи муаммоси кузги буғдой етиштиришда минерал ўғитлар қўллашнинг тавсия этилган меъёрлари ва нисбатлари қўлланилганда дон ҳосилдорлиги ва сифатининг талаблар даражасидан пастлигидан иборат бўлмоқда. Бундай ҳолат мамлакатимизнинг жанубий минтақалари шароитида сезиларли даражада кузатилмоқда.

Айниқса, Қашқадарё вилоятида деҳқончилик қилинадиган ерлари фақат шарқ томонидан Ҳисор тоғ тизмалари билан тўсилган бўлиб, бошқа томонлари очиқ бўлганлиги сабабли шимол томонидан Қизилқумнинг, жанубий-ғарб томонидан Қорақумнинг иссиқ гармсел шамоллари тўғридан-тўғри тўсиқсиз кириб келиши оқибатида буғдой бошоқлари донларининг сийраклашиши ва пучланиши юзага келиши сабабли дон ҳосилдорлиги кескин пасайиб кетиши билан бирга сифатига ҳам сезиларли даражада салбий таъсир этиши кузатилмоқда.

Дала тажрибалари янгидан ўзлаштирилиб суғорилиб деҳқончилик қилиниши натижасида оч-тусли бўз тупроқлар ҳолатидан ўтлоқлашган бўз-тупроқларга айланган шароитда Косон туманидаги “Қулманов Умир”, Нишон туманидаги “Тўрақулов Равшан” фермер хўжаликларида 2005-2007 йилларда кузги буғдойнинг тезпишар “Чиллаки” навида, 2008-2010 йилларда “Краснодарская-99” навида ўтказилган бўлиб, дон сифатини яхшилашга бағишланган айрим илмий-тадқиқот ишларимиз ҳозиргача ҳам давом эттирилмоқда.

Дала тажрибалари бир ярусли, тўрт қайтариқликда ўтказилган бўлиб, ҳар бир тажриба майдончалари катталиги 180 м² бўлиб, ҳисоб майдончалари 100 м². яъни, С3-3,6 дон экадиган сеяланинг бир марта ўтишидан иборат бўлиб тажриба майдончалари узунлиги 50 метр, эни эса 3,6 метр.

Фенологик кузатишлар ва бошқа кузатув ишлари олиб бориш учун тажрибаларнинг ток қайтариқликларидан 1 м² назорат майдончалари белгиланди. Дала тажрибалари, кузатув ишлари ва бошқа илмий-тадқиқот ишлари Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” [4] бўйича ўтказилди.

Тажрибалар кузги юмшоқ буғдойнинг Чиллаки, Краснодарская-99 навларида ўтказилди.

Ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг [4] дисперсион усулида математик таҳлил қилинди.

Тажриба тизимида кўрсатилган меъёрлар бўйича фосфорли ва калийли ўғитлар кузги буғдойни экиш билан, азотли ўғитлар эса баҳорги туплаш (35%), найчалаш (35%) ва бошоқлаш (35%) фазаларида берилди. Қўлланилган бошқа барча агротехнологик жараёнлар бир хилда ўтказилди.

Тажриба минтақасининг йиллик ўртача ҳаво ҳарорати +15,8°С ташкил этади. Апрель-октябр ойларида ҳавонинг нисбий намлиги 41%, ёғингарчилик 60мм, буғланиш 1300 мм, намликнинг етишмовчилиги 1240 мм ташкил этиши сабабли деҳқончилиги суғорма деҳқончиликка асосланган.

Мамлакатимиз жанубий минтақалари шароитида буғдой бошоғи донларининг сийраклашиши, пучланиши сабабларини ўрганиш ва уни бартараф этиш усулини; минерал ўғитлар қўллаш меъёрлари, нисбатлари ва муддатини аниқлаш бўйича маълум ижобий илмий-амалий натижалар кузатилди.

Тажрибаларимиз натижалари бўйича [3] кузги юмшоқ буғдой навлари кузда мақбул муддатда (15.X) экилиб фосфорли ва калийли ўғитлар ва баҳорги туплаш, найчалаш ва бошоқлаш фазаларида азотли ўғитларнинг ҳам мақбул меъёрлари қўлланилганда кузги ўсув даврида етарлича органик моддалар тўплаши, туплаш бўғинидаги шакар миқдорининг ошиши, туплаш бўғинининг ер юзасига нисбатан чуқур жойлашиши, тупланиши яхшиланиши таъсирида қишлаш жараёнининг

муваффақиятли бўлиши билан бирга баҳорги-ёзги ўсув даври қисқариши, бошоқлардаги донлар сонлари ва массасининг ошиши таъминланиши натижасида дон ҳосилининг ошиши кузатилди.

Ўтказилган тажрибаларимиз натижалари бўйича мамлакатимизнинг жанубий минтақалари бўз ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги юмшоқ буғдойни озиклантиришда минерал ўғитларнинг тавсия этилган ($N_{180}P_{90}K_{60}$) меъёри оширилиб ($N_{210}P_{110}K_{70}$) қўлланилганда дон ҳосилдорлиги ҳисобига қўлланилган минерал ўғитлар самарадорлиги юқори бўлиши билан бирга об-ҳавонинг ҳар қандай салбий таъсирида кескин пасайишини кўрсатди. Чунки, тажрибаларимиз натижалари бўйича кузги буғдой минерал ўғитларнинг тавсия этилган меъёрларига нисбатан оширилиб қўлланилиши натижасида дон ҳосилдорлиги минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 2 ҳисса ва ундан ҳам ошиши кузатилди. Минерал ўғитларнинг тавсия этилган ($N_{180}P_{90}K_{60}$) меъёрига нисбатан оширилиб ($N_{210}P_{110}K_{70}$) қўлланилгандаги дон ҳосилдорлиги эса 4,0 ц/га ошиши кузатилди.

Демак, Ўзбекистоннинг дон етиштириш учун ноқулай бўлган об-ҳаво шароитида кузги юмшоқ буғдойни минерал ўғитлар билан озиклантиришда тавсия этилган меъёрларининг оширилиб қўлланилиши дон ҳосилдорлигини ошиши ҳисобига дончиликни янада ривожлантиришнинг истиқболли тадбирларидан бири бўлаолади.

Қашқадарё вилоятининг бўз-ўтлоқи тупроқлари минтақаси шароитида буғдой дони етиштириш учун ноқулай бўлган об-ҳаво шароитида мўл ҳосил етиштиришда минерал ўғитларнинг тавсия этилган ($N_{180}P_{90}K_{60}$) меъёрлари ва нисбатларининг оширилиши ($N_{210}P_{110}K_{70}$) минтақада дончиликни янада ривожлантиришнинг истиқболли усулларидан бири бўлиб, ушбу тадбир воситасида дон ҳосилдорлигини одатдагига нисбатан 4 ц/га юқори бўлишига эришилади.

Адабиётлар

1. Арипова С. Зависимость урожая озимой пшеницы от фона питания.// Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси-Тошкент, ТошДАУ. 2000 -№2. -Б.12-14.

2. Бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштириш бўйича тавсиялар. ЎЗР ҚСХВ, ЎЗР ҚХФА “Ғалла” ИИБ. Т.; 1996. -53 б.

3. Ишмухамедова Р.Ч. Кузги тезпишар “Чиллаки” буғдой навининг ўсув даврини экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларига боғлиқлиги. “Agro biznes in form” журнали; Тошкент, 2016, -№2, -Б.20-21

4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. –М.; Колос, 1985. -317 с.

УЎТ: 633*853*52:626*81/85

ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚ ШАРОИТИДА “ОРЗУ” ВА “АРЛЕТА” СОЯ НАВЛАРИНИ ТАКРОРИЙ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ

қ.х.ф.н., Б.С.Камилов¹,
қ.х.ф.ф.д., профессор., А.С.Шамсиев¹,
қ.х.ф.ф.д., М.П.Зиятов¹
кичик илмий ходим.Ш.М.Тоғаев¹
таянч докторант Ж.С.Эшонқулов¹
3-босқич талабалари Ю.Б.Алибоев²,
О.Н.Мухаммадиева²

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот
институти¹
Тошкент давлат аграр университети²

Калит сўзлар: типик бўз тупроқ, Орзу ва Арлета соя навлари, суғориш, Томсон, Чиполетти сув ўлчаш асбоблари.

Аннотация: Ушбу мақолада Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида экилган соянинг “Орзу” ва “Арлета” навларини тежамкор суғориш тартиблари ҳамда самарали парваришlash агротехнологияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Ключевые слова: типичные серозёмы, повторные культуры, сорта сои Орзу и Арлета, полив, Томсон, Чиполетти счетчики воды.

Бахромова Н.Н., Азизова А.Қ. Оралиқ экинларни навбатлаб экишда қўллашнинг аҳамияти.....	255
Бекназаров Д. Тупрокнинг агро-физик ва агро-кимёвий хоссаларига алмашлаб экишнинг таъсири.....	257
Бобомуродова М.И., Ишмухамедова Р.Ч. Озиқлантириш режимининг мақбуллаштирилиши буғдой ҳосилдорлиги манбаи.....	260
Боиров А.Ж., Нуриддинова Х.Т., Жўраев Ш.А. “Тупрок-ўғит-кузги буғдой” тизимида фосфор мувозанатининг минерал ва органик ўғитлар меъёрларига боғлиқлиги.....	262
Ботирова Д.Ғ., Бўриев И.А. Буғдой етиштиришда уруғлари фракциялари ва озиқлантиришни мақбуллаштириш самарадорлиги.....	265
Ёдгоров Н.Ғ, Тўракулов Қ.Х. Такрорий мошнинг Дурдона нави ўсув даври, ҳосил элементлари ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига етиштириш агротехникасининг таъсири.....	267
Ёдгоров Н.Ғ, Тўракулов Қ.Х. Такрорий соя етиштириш агротехникасининг вегетация даври ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари.....	270
Ёдгоров Н.Ғ, Тўракулов Қ.Х. Такрорий ерёнғок, соя ва мош экинларнинг тупрок хоссаларига таъсири.....	272
Ёдгоров Н.Ғ, Тўракулов Қ.Х. Тупрок қатламларида такрорий экинларнинг илдиз-анғиз қолдиқларини қолиши.....	276
Ёдгоров Н., Ҳасанов Б. Экиш муддат ва меъёрларининг кузги жавдар навлари қишга чидамлилигига таъсири.....	278
Ёдгоров Н., Ҳасанов Б. Мамлакатимизда жавдар етиштиришнинг аҳамияти ва биологик хусусиятлари.....	280
Джаббарова Д.Ғ., Бўриев И.А. Ўсимликшунослик атамалари муаммолари ва илмий амалий ечимлари.....	283
Жўраев Д.Т. Ресурстежамкор технологияда кунгабоқар етиштириш афзалиги.....	284
Жўраев Д.Т. Лалмикорликда ерга ишлов бермасдан нухат етиштириш афзалиги.....	287
Джумаев Ш.Б., Негматова С.Т., Раҳматов И.М., Турсунов.У.Ш. Мошнинг экиш меъёри ва муддатини 1000 дона дон оғирлиги ва уруғ унвчанлигига таъсири.....	291
Исмонов А.Ж., Қаландаров Н.Н., Мамажанова Ў.М., Дўсалиев А.Т. Суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари.....	295
Идрисов Х.А., Халбоев А.Н., Ҳамдамов Ж.У., Тиллабоев А.А. Кузги буғдойдан кейин экилган мош навларининг симбиотик фаолиятини тадқиқ этиш.....	298
Идрисов Х.А, Халбоев А.Н. Мош етиштириш агротехникаси бўйича ўтказилган тадқиқотлар.....	301
Ирназаров И. Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари деҳқончилиги муаммолари ва илмий-амалий ечимлари.....	303
Ирназарова Н.И. Кузги буғдойнинг дон чикимиға минерал ўғитлар таъсири.....	306
Ишмухамедова Р.Ч., Икромова М. Кузги буғдойни минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг ҳосилдорликка таъсири.....	307
Камилов Б.С., Шамсиев А.С., Зиятов М.П., Тоғаев Ш.М., Эшонкулов Ж.С., Алибоев Ю.Б., Мухаммадиева О.Н. Типик бўз тупрок шароитида “Орзу” ва “Арлета” соя навларини такрорий етиштириш агротехнологияси.....	309
Камилов Б.С., Шамсиев А.С., Ражабов Т.Я., Зиятов М.П., Эшонкулов Ж.С., Мухаммадиева О.Н., Хазраткулов Т.К. Такрорий экилган мойли кунгабоқар навлари парваришида суғориш тартибларининг аҳамияти.....	312
Камилов Б.С., Ражабов Т.Я. Такрорий экин — такрорий даромад манбаи.....	315
Каршиева Ш., Келдиярова Х.Х., Абдухаликова Б.А., Ходжакулов Т.Х. Резултати селекции пшеницы в узбекистане. Изучение хозяйственно- ценных признаков и свойств преспективных сортов пшеницы.....	317
Курвантаев Р., Мусурмонов А., Мусурмонова М. Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар шароитида буғдой ўсимлигини кам ишлов бериш ва мулчлаш таъсирида ривожланиши.....	319